



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 27 октябрь, № 217 (6911) Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан 2017 йил 25-26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркияда бўлди.



Давлат раҳбарларининг музокаралари 25 октябрь куни Анқара шаҳрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, туризм, транспорт, логистика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президентлар икки мамлакат ҳамкорлигини янги, стратегик босқичга кўтаришга

замин яратадиган қўшма баёнотни имзолади. Шунингдек, иқтисодиёт, савдо-сотиқ, sanoat, банк-молия, инвестиция, туризм, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир 20 дан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоғон

музокаралар самарали бўлгани, эришилган келишувлар ҳамкорликни янги босқичга кўтаришини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни Туркия Буюк миллат мажлисига ташриф буюрди.

Буюк миллат мажлиси Туркия Республикасининг олий қонун чиқарувчи органидир. Унга 1920 йил 23 апрелда муносабатин билан Бугунги кунда тўрт партия Мажлисида ўз фракциясига эга.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Буюк миллат мажлиси Спикери Исмоил Қахрамон билан учрашди.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг музокараларида парламентларо ҳамкорликни ташрифлар алмашинуви ва қўшма тадбирлар ўтказиш орқали қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилган эди. Туркия парламентидagi мулоқотда мазкур йўналишдаги алоқаларни мустаҳкамлаш, парламентлар фаолияти ва парламент на-

зорати шакллари бўйича тажриба алмашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Буюк миллат мажлиси Спикери Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида парламент ролини ошириш борасидаги ислохотларни юқори баҳолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Президентимиз Буюк миллат мажлиси фаолияти билан танишди.

Шавкат Мирзиёев куннинг иккинчи ярмида Истанбул шаҳрига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси Бош вазири Бинали Йилдиримни қабул қилди.

Учрашувда Анқарада бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларда ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳолисона баҳолаб, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олингани таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасида савдо, sanoat, банк-молия, инвестиция, туризм, юк ташиш, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир қўллаб-қувватлаш имзолангани юқори баҳоланди.

Мулоқотда мазкур келишувларни амалга ошириш, икки мамлакат вазири ва идоралари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига эътибор қаратилди. Томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Бош

вазири Бинали Йилдирим иштирокида икки мамлакат молия ва ишбилармон доиралари учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда олий даражадаги мулоқотлар самарасида Ўзбекистон ва Туркия ўртасида имзоланган ҳужжатлар улкан аҳамиятга эга экани қайд этилди. Шунингдек, 26 октябрь куни Истанбулда ўтказилган икки мамлакат ишбилармон доиралари бизнес форумида йирик энергетика объектлари ва йўл инфратузилмаларини куриш, тўқимачилик маҳсулотлари, электр жиҳозлари, курилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва агросаноат тармоғида замонавий sanoat ва логистика марказлари ташкил этиш соҳаларида 3,5 миллиард доллар ҳажмидаги 30 дан ортқ лойиҳалар бўйича битимлар имзолангани таъкидланди.

Президентимиз яқин йилларда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги товар айирбошлов ҳажмини 3-4 миллиард долларга етказиш бўйича келишувга эришилгани, бу икки мамлакат ишбилармонлари учун кенг имкониятлар яратишини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Туркия компаниялари раҳбарларининг Ўзбекистонда бизнес юритиш борасидаги фикрлари билан қизиқди. Туркиялик ишбилармонлар Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларни юқори баҳолади. Валюта бозори эркинлаштирилгани, виза олиш тартиби соддалаштирилгани ўзaro ҳамкорликни ривожлантириш учун қулайликлар яратгани таъкидланди.

Инвесторлар ва йирик компаниялар билан тўғридан-тўғри алоқаларга қулай

шароит яратилаётгани, мамлакатимизда Туркия бизнес маркази ташкил этилиши маълум қилинди.

Очиқ ва амалий руҳда ўтган мулоқотда Ўзбекистон ва Туркиянинг молия ташкилотлари, фирма ва компаниялари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш, ўзарo маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди, томонларни қизиқтирган аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди.

Учрашувда икки мамлакат компаниялари ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди. Давлатимиз раҳбари ташриф дастури доирасида Истанбул шаҳридаги машҳур Топкапи саройини бориб кўрди. XV асрда қурилган ва кейинчалик музейга айлантирилган мазкур сарой тарихи, бу ердаги қадимий экспонатлар билан танишди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф давомидаги учрашув ва музокаралар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим истиқболларини белгилаб берди. Имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар икки давлат муносабатлари ва қардош халқлар дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ, ЎзА махсус мухбири. Тошкент — Анқара — Истанбул — Тошкент

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Бош вазири Бинали Йилдирим.

Фарҳод ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳуқуқий база янада такомиллаштирилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасини сифат жиҳатидан ислох этиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Депутатлар ўз ишини "Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг янги таҳририни кўришдан бошлади. Савдо-саноат палатаси мамлакатимиздаги фаолияти алоҳида қонун билан тартибга солинадиган тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи ягона нодавлат нотижорат ташкилоти эканлиги таъкидланди.

Амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар, шу жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги савб-ҳаракатлар қонунчилик базасини замонавий ёндашувлар ва илгор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Шу боис қонун лойиҳасида давлат иқтисодий сибсатини амалга оширишда Савдо-саноат палатасининг туганган ўрни ҳамда аҳамияти,

шунингдек, мақомини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Савдо-саноат палатаси зиммасига қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига бўлган таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш юзасидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш вазифаси юклатилмоқда. Савдо-саноат палатасига тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик асосларини яратиш борасида бевосита иштирок этиш ваколатларининг берилиши давлатимизнинг хусусий секторга кўпроқ эркинлик тақдим қилиш, тадбиркорлик субъектлари учун тенг шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиш, улар ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш йўлида аниқ амалий чоралар кўраётганининг эркин далилидир. Қонунчилик палатасидаги депутатлар бирлашмаларининг вакиллари ушбу қонун лойиҳаси-

ни тўлиқ қўллаб-қувватлади ва унинг қабул қилиниши бозор иқтисодиётини жадал ривожлантиришга ҳамда мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтиришга имкон беришини таъкидладилар. Мажлис давомида депутатлар "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Айтиб ўтилганидек, Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, давлат ва жамият курилишини такомиллаштириш давлат ҳамда жамиятни модернизациялашнинг ҳал қилувчи мақсади этиб белгиланган. Бу вазифани амалга оширишда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиклиги, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим қилишнинг замонавий шакллари татбиқ этиш, жамият ҳамда бизнес билан ҳамкорлик чоғида ортиқча маъмурий харажатларга барҳам бериш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мақсадларга эришиш учун, энг аввало, соҳада мустаҳкам қонунчилик асосларини яратиш лозим.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро тажриба, янги ишланмалар ва амалиёт

Навоий шаҳрида "Зарафшон воҳасини комплекс инновацион ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлар" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида Зарафшон воҳаси салоҳияти, табиий бойликлари, хом ашё ресурслари хусусида сўз юритиб, мазкур ҳудуд имкониятларидан фойдаланишнинг барча чорасини кўриш, инновацион технологияларни жалб қилиш ҳамда ушбу мақсадлар рўйида йўлида халқаро конференция ўтказиш

ғоясини илгари сурган эди. Шу асосда анжуманга пухта ҳозирлик қўрилди. Дунёнинг барча қитъасидаги кончилик, кимё технологиялари, машинасозлик, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги нуфузли илмий-тадқиқот институтлари, тармоқларнинг етакчи компанияларига тақдирнома юборилди. Мазкур нуфузли тадбирга тақдим

этилган илмий ишланмалар ҳамда маърузалар мутахассислар томонидан саралаб олинди.

— 154 та маъруза танланиб, улар инглиз тилига таржима қилинди ва яхлит тўплам ҳолида нашр этилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бош илмий котиби Бахтиёр Ибрагимов. — Маърузаларни 19 мамлакатдан ташриф буюрган 60 нафарга яқин олимлар ҳамда етакчи компаниялар вакиллари ва мамлакатимизнинг халқаро даражада эътироф топган тадқиқотчилари тақдим қилаётдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЭЛ КҮНГЛИДАН БОШЛАНГАН БЕШИНЧИ ФАРЗ

Халқимизнинг ҳеч бир халққа ўхшамайдиган, ўзга юрт одамларининг ҳавасини келтирадиган фазилати — Ватанни саждагоҳ каби муқаддас санашидир.

Ана шу саждагоҳда шаклланган жамини эзгу одатлар эса улуг ибодатдир. Эл кўнглини обод этмак, Алишер Навоий таъбирича, вайрон бўлган Каъба-нига қайта тиклаган билан баробардир. Шукроналар бўлсинки, бу қултуғ харакат йиллар, асрлар оша эл ҳаётида давом этишдан бир зум тўхтагани йўқ. Бугун Фарғона вилояти, Бувайда туманининг Бештерак қишлоғи, Уртақишлоқ маҳалласида истиқо-

мат қилувчи Мамарасул ота Камолонинг хонадонини саховат боғига айланди, десак, муболага бўлмайди. Ховлига кириб бораркансиз, сархил узумларини, серҳосил бодомзорларни кўриб, кузни алқайсиз. Сўрида кўр тўкиб ўтирган хонадон эгаларига ҳожилек мабрур бўлсин, саховатпеша, деган улуг мақом муборак, дея саломлашасиз. (Давоми 2-бетда).

ТАРИХИЙ ТАШАББУС, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА

Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси sanoatимизда ёрқин саҳифа очади.

Ўзбекистон тараққийнинг жадал босқичига ўтаётти. Фарбу Шарқ, Жанубу Шимол томонга очилган дарвозаларимиз, Буюк Ипак йўлининг муҳим транспорт-логистика йўналишлари, меҳмондўст халқимиз, йилдан-йилга салоҳияти ортиб бораётган иқтисодиётимиз — узок-яқин мамлакатларни биз билан манфаатли алоқаларни ўрнатига ундаётти.

ИСЛОХОТЛАР КЎЗГУСИ

Зафаробод "мўъжизаси"

Бу, ўз-ўзидан, ёнлиги-энергетика захирасини яратишни талаб этади. Президентимиз гоёлари асосида ишлаб чиқилган, мамлакатимиз-

нинг яқин истиқболга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида юртимизнинг ҳар соҳада барқарор юксалишининг асосий мезонлари белгилаб берилган. Жумладан, Жиззах вилоятида нефтни қайта ишлашга истиқослаштирилган улкан мажмуа

қурилиши келгусида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий масалаларни оқилона ечишга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга моликдир.


Шу йилнинг апрель ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташрифи чоғида Зафаробод туманида нефтни қайта ишлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйилди. Ушбу йирик лойиҳа халқимиз орасида кенг қўллаб-қувватланди, уларнинг келажакка ишончи янада мустаҳкамланди, десак, муболага бўлмайди.

Нефть-газ соҳаси вакилларининг фикрича, бундай улкан лойиҳага ўз-

ўздан қўл урилгани йўқ. Чунки мустақиллик йилларида нефть-газ sanoati мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Буюрор нефтни қайта ишлаш заводи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Устюрт газ-кимё мажмуаси каби йирик корхоналар ташкил этилди, мавжудлари модернизация қилинди. Россия, Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Малайзия ҳамда бошқа давлатлар билан ўзарo манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳуқуқий база янада такомиллаштирилади



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу сабабли "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат бошқаруви тизимини ислоҳ этиш, шунингдек, давлат ҳокимияти

организи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини самарали ташкил қилишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни қайд этдилар. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибини бел-

гилоччи нормаларни тизимлаштириш ҳамда бир-хиллаштириш, соҳада ягона стандартларни ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларидаги камчиликлар ва қарама-қаршиликларни бартараф қилиш, давлат органларининг фуқаро билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишни назарда tutади.

Депутатлар алоҳида таъкидлаганидек, мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида мавжуд муаммоларни аниқлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилган. Давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муно-

сабатларидаги тизимли муаммолар ҳамда камчиликларни қонунчилик даражасида бартараф этиш ва келгусида уларга йўл кўймаслик мақсадида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳар томонлама ўрганилган.

Шу маънода, қайд этилганидек, мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ҳаётий тамойилни рўйбга чиқариш давлат бошқарувини ислоҳ қилишининг устувор мақсадидир.

Баҳс-мунозара шакли-

да ўтган мажлисда кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳалари юзасидан депутатлар билан муносабатлари ўз нуктаи назарларини билдирдилар. Шу билан бирга, жамоатчилик муҳокамаси учун уларни парламент куйи палатасининг веб-сайтига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар қилинишига қаратилган бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Эйза АШУРОВА.

islomkarimov.uz, islamkarimov.uz сайти ишга туширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси расмий веб-сайти — islomkarimov.uz, islamkarimov.uz ишга туширилди.

ТАҚДИМОТ

Ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида фаолият олиб бораётган мазкур сайт "Uzinfo.com" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий қилиш маркази мутахассислари томонидан яратилди.

Ушбу сайт буюк давлат ҳамда сийёсат арбоби, мустақил давлатимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳаёти ва фаолияти ҳақида интернет фойдаланувчиларини таништириш мақсадини кўзлайтиди.

Веб-сайтдан Ислам Каримовнинг таржimai ҳоли, давлат муқофотлари, асарлари, Ватанимизнинг мустақиллик солномаси, жамият ҳамда давлат бошқа-

рувининг турли соҳаларидаги ўзгаришлари ва ислоҳотларга оид материаллар ўрин олган. Хусусан, унинг "Хотиралар" бўлимида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедевнинг эсдаликлари келтирилган. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Менинг қалбимда бу меҳрибон ва атоқли инсон, Ўзбекистоннинг ҳақиқий етакчисига нисбатан юксак ҳурмат туйғуси ҳамон сақланиб турибди. Унинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари ўз халқининг эҳтиромига сазовор давлат раҳбари эканлигини намойён қиларди. Ислам Каримов ўз қарашлари ва фаолиятида

қатъий эди. Бу қатъият унинг принципиал характерга эга эканлигини кўрсатар ҳамда мамлакат аҳолиси ва ўз аҳолисидаги ҳар бир аҳолига туйғусини уйғотарди. У халқро майдонда, энг аввало, МДҲда тан олинган нуфузли етакчи эди".

Сайтда медиатека ҳам мавжуд бўлиб, унда фото ва видеоматериаллар билан танишиш мумкин.

Шунингдек, интернет фойдаланувчилари виртуал саёҳат асносида Ислам Каримовнинг пойтахтимиздаги ҳайкали ҳамда унинг атрофини томоша қилиш имкониятига ҳам эгадирлар. Веб-сайтда Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди томонидан ўтказилган турли тадбирлар ҳақида мунтазам ахборот бериб борилади.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Халқаро тажриба, янги ишланмалар ва амалиёт

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Халқаро анжуманининг очилиш маросими ҳамда ялпи мажлисида саккиз нафар олим воҳанинг салоҳияти ва инновацион ёндашувага эҳтиёж сезилаётган тармоқлари, бу борада эришилган ютуқлар, муаммо ҳамда истиқболдаги вазифалар бўйича чиқиш қилди. Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Навоий давлат кончилик институти ректори, профессор Қувондиқ Санақулов худуднинг кончилиги, кимё, энергетика ва машинасозлик соҳасидаги салоҳиятига атоқли тўхталиб, тармоқларда истиқлол йилларида жорий этилган инновацион ишланмалар, айниқса, кончилик саноатидagi модернизациялаш тадбирлари ҳамда йирик инвестицион дастурлар нодир металл ва минерал хом ашёлар ишлаб чиқаришда самарадорликни юксалтириш имконини берганлигини таъкидлади.

Комбинатимиз тизимидаги биргина 2-гидрометаллургия заводига татбиқ қилинган инновацион ишланмалар корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини 1,9 баравар оширди, — деди Қ. Санақулов. — Кончилик — мураккаб соҳа. У доимий янгиликлар ҳамда ноанъанавий илмий ёндашувларни тақозо этади. Шу боис Юрбошимизнинг мазкур ташаббуси воҳада барча тармоқ равишда янги даврни бошлаб бериши, шубҳасиз, Конференцияда, шунингдек, Буюк Британиянинг Лидс, Австрия-

нинг Линц университетлари, Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси Фанлар академиясининг олимлари маъруза қилдилар. Улар ўз чиқишларида воҳанинг кончилик саноатига юксак технологияга асосланган бошқарувни жорий этиш бўйича ишланмалари, имкониятлар ҳамда уларни Зарафшонда қўллаш шароитлари, кончиликда бирламчи ва етакчи техникалар самарадорлигини кучайтиришнинг илмий янгиликлари, механизмлари бўйича синовдан ўтган лойиҳаларини тақдим қилдилар.

Тадбир доирасида матбуот анжумани ўтказилди. Унда конференциянинг дастлабки кунини яқунлари хусусида сўз борди.

— Мазкур анжуманда қатнашиб, ўз кашфиётлари туфайли халқаро миқёсда тан олинган нуфузли олимлар билан танишиш бораборида, дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтларида тайёрланган инновацион ишланмалар билан ҳам танишаётган, — дейди Австриянинг Линц университети профессори Андреас Мюллер. — Бу барчамиз учун ўта муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга тадбирдир.

Конференция беш шубҳага бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирмоқда. Анжуманининг очилиш маросимида вилоят ҳокими Қ. Турсунов иштирок этди.

Темур ЭШБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СЕМИНАР

Азалдан миллий қадриятлар ҳамда эзгу аъёнаналар бешиги бўлиб келган маҳаллада ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, уни том маънода меҳр-оқибат ва тарбия масканига айлантиришга қаратилган тизимли ишлар давом эттирилмоқда.

Тарбия ва маънавият маскани

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида ўтказилган "Маҳалла — маънавият ўчоғи" деб номланган семинар бевосита шу масалага бағишланди. Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришга янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўтказилган мазкур тадбирда соҳа ходимлари, пойтахтимиз маҳаллалари фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, маҳаллаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларни миллий қадрият ва аъёнана руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий чора-тадбирлар сама-

радорлигини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинлари ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда маҳаллаларда аҳоли, айниқса, ёшларда китоб-хонлик маданиятини юксалтиришга доир тарғибот ишларини самарали йўлга қўйиш, оилаларда соғлом муҳитни яратиш, тўй-ҳашамларда ортиқча дабдабозлик, исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, миллий маънавиятимизга ёт таъсирларнинг олдини олиш чораларини кўчатириш юзасидан тақдир ва тавсиялар берилди.

Семинарда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЛ КўНГЛИДАН БОШЛАНГАН БЕШИНЧИ ФАРЗ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иккис ҳудди сафардан қайтган ҳождилар каби дуога қўлларини очди. Мамарасул отовнинг кўзи хиёл ёшларди. Гапни аёли Мунаввархон ая бошлади:

— Кўнглига тугиб қўйган ниятини ҳаммадан сир тутиб келган экан, икковлон ҳажа борамиз деб 45 миллион сўм пул йиғиб қўйгандик. Бир кун ўғлим Фозилжонга мудоасини айтди. "Ўғлим, шу маблагни қишлоққа тоза ичимлик суви олиб келишга сарфлаймиз, мени эзгу ишдан қайтарманглар", деди. Мен ҳам жони дилим билан рози бўлдим. Ўғлим ҳам ота амри вожиб, деб ишга киришди.

Дарҳақиқат, Уртақишлоқ маҳалласи аҳолиси неча йиллардан буён тоза ичимлик суви маъноси билан яшарди. Мағмиб қишлоқдан 1,5 километр масофадан тортилган сув қувурлари алаққан ярқоқис ҳолга келган, худуддаги 26-умумтаълим мактаби, 7-мактабга таълим муассасаси ичимлик суви билан тўлиқ таъминланмаган эди. Тўғри, бир неча бор суви минораси ёнига қувур қавлаш режа-лоийҳаси мутасаддилар томонидан ишлаб чиқилган, бироқ айрим сабабларга қўра, лойиҳа амалга оширилмай келинган. Отанинг ташаббуси ва савоҳати билан 270 метрлик қудук қазилиб сув чиқарил-

ди. Натижада 2 минг 300 дан ортиқ аҳоли тоза ичимлик суви билан раҳамат бўлди.

— Шундай кунларда маҳалланинг ҳамжиҳатлигига қўйил қолмай илож йўқ, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Моҳирхон Тожиев. — Кексаю ёш тўпланишиб ҳашарга чиқди. Онахонлар, оила соҳибларининг миннатдорлик изҳорларини эшитиб, орамизда яхши одамлар қўлигагина фахрлиниб кетасан.

26-умумтаълим мактаби директори Хурсаной Маъмурова ва ўқитувчи-мураббийлар сув келтирилган элда азиз бўлиши, суви исроф қилмасдан, тежаб-тергаб фойдаланиш зарурлигини ўқувчи-ёшларга таъкидлаб, сажий инсонларга раҳматлар айтишмоқда.

Мамарасул ота ва Мунаввархон ая фарзандларини эл қорига ярайдиган инсонлар эли тарбиялади. Уч қизи ўқитувчи, кенжаси Эйтиборхон халқ таълими аълочиси. Фозилжон тадбиркор. 12 неваро, бир зваро уларнинг умр давомчилари.

Ота узоқ йиллар чорвачиликни механизациялаш тизимида муҳандис бўлиб ишлади. Онахон болалар боччасида меҳнат қилди.

— Оиладаги барака меҳнатдан келади, — дейди Мунаввархон ая. — Етмиш тўп бодом қўчати етиштирганми. Ҳар йили ҳосил беради.

60 уя асалари парварайлашмиш. Асалари ҳам етти хилнинг бири экан. Фақат меҳнат билан шу кунларга эришдик. Насиб қилса, ҳаж сафарига ҳам борамиз. Ниятинг — йўлдошинг, деб бежиз айтишмаган.

Бу савоатмеша инсонларни зиёрат қилиб қайтарганимиз, бир ривоят эсга тушди. Ривоят қиладиларки, қадимда бир этикдўз неча йиллар давомида ҳаж амалларини бажаришни ният қилиб маблаг йиғди. Йиғилган маблагни маълум миқдорга етказиб, зиёратта тайёргарлик қўра бошлади. Шу пайт ён қўлини ва унинг болалари оқликдан қийнаётганини эшитиб, қўлидаги маблагни уларга олиб чиқиб беради ва "Менинг ҳажим шу бўлсин", деб дуо қилди. Унинг бу ишини ҳамма ҳар хил талқин қилди. Бир кун этикдўзнинг тушига фаришталар кириб, "Қилган бу эҳсонинг билан нафақат сенинг, балки бу йил ибодатга борган барча ҳожиларнинг ҳажини қабул бўлди", дейди.

Дарҳақиқат, умр шундай ўтти бораркан, халққа қилинган аҳлилик абадий ораблар Яратганнинг муқофотига сазовор бўлажак. Алломулар айтаган бу олтин жумлалар азиз замондошларимизнинг дилида, тилида яшайверади...

Маъмура АБДУРАХИМОВА, «Фарғона ҳақиқати» газетаси бўлим мудирини. Ў.А.

ТАРИХИЙ ТАШАББУС, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун шуни қомил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон нефть-газ соҳасида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган давлатлардан бирига айланди. Ўзбекистоннинг Каспий денгизи қаридан нефть қазиб олиш лойиҳаларига тақдир этилаётгани мамлакатимиз қудратига, мутахассисларимиз салоҳиятига бўлган юксак ишонччи яққол тасдиқлади.

Ҳар жиҳатдан қулай

Алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур мажмуани барпо қилиш давлатимиз раҳбарининг доимий назорати ҳамда этиборида. Хусусан, Президентимизнинг Қозоғистон Республикасига, Россия Федерациясига амалга оширган давлат таширлари чоғида ушбу масалалар юзасидан қатор музокаралар олиб борилди. Масалан, мамлакатимиз раҳбарининг Қозоғистонга давлат ташири доирасида Остонада бўлиб ўтган бизнес форумида "Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти томонидан "Казмунай-газ", "Казтрансгаз" ва "Казтрансойл" компаниялари билан музокаралар ўтказилди. Ушбу учрашувлар давомида Омск — Павлодар — Чимкент нефть қувури тармоғи орқали хом ашё етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланди.

Янги саноат корхонасини қуриш учун Жиззах вилояти танланган бежиз эмас. Юқорида қайд этганимиздек, унга хом ашё қувур орқали келтирилади. Омск — Павлодар — Чимкент нефть қувурининг бир тармоғи айнан Жиззах вилоятига яқин худудга туташган. Шу жойдан атғи 95 ки-

лометр қувур тортилса, янги мажмуани хом ашё билан таъминлаш арзонга тушади. Ваҳоланки, нефтни транспорт орқали ташиш катта харажат талаб қилади. Шу жиҳатдан олганда, завод учун жуда қулай худуд танланган. Қолаверса, Жиззах-вилояти мамлакатимиз марказида жойлашган, экспорт режалаштирилаётган қўшни давлатларга яқин. Буларнинг барчаси корхонага хом ашёни арзон нархларда келтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ҳамда ташқи бозорларга минимал харажатлар билан етказиш имконини беради.

Ҳатто, коммуникация тармоқлари масаласида ҳам харажат кўп эмас. Унчалик узоқда бўлмаган цемент заводи тортилган электр, газ ва коммуникация тизимларига улашининг ўзи кифоя. Автомобиль ҳамда темир йўлларида чиқиш ҳам қулай.

2,2 миллиард долларга тенг

Қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларилик мазкур лойиҳа йилга 5 миллион тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга. Натижада "Евро-5" стандартидаги 3,7 миллион тонна бензин ва дизель ёнилғиси, 700 минг тонна авиация керосини, сиклиган газ, бензол, битум ҳамда бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўлаштирилади. Этиборлиси, бу корхонада ҳам худди Жиззах цемент заводидаги сингари энергия тежамкор, сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминлайдиган, атоқ-муҳитга зарар етказмайдиган технологиялар ўрнатилади.

— Мамлакатнинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришдан, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини ривожлантириб бўлмайди, —

дейди иқтисод фанлари номзоди Сайидфозил Зокиров. — Шу маънода, Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси узоқни ўйлаб қилинаётган иш. Ушбу корхона Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ истиқболда барқарор тараққий топшининг муҳим қафолатига айланиб, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, марказга иқтисодий жиҳатдан боғлиқлигини камайтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Қолаверса, янги мажмуа нафақат Ўзбекистон, балки қўшни мамлакатларнинг "қора олтин"дан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талабини қондиришда қўл келади.

Минг хил маҳсулот

— Оддий одамлар йирик лойиҳалар натижасини ўз ҳаёти, турмуши мисолида кўргиси келади, — дейди Қизирқ туманилик Элмурод Йўлдошев. — Бугун жойларда одамларимиз бензин тақчиллиги, ёнилғи масалаларида қатор муаммоларга дуч келаётганидан кўз юмиб бўлмайдим. Жиззах нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши юртдошларимизни қувонтириб юборди. Чунки бу келажақда олис туманлар, қишлоқларга ҳам зарур ёнилғи узлуксиз етказиб берилишини кафолатлайди.

"Ўзбекнефтгаз" АЖ вакилларининг айтишича, Президентимиз ташаббуси билан соҳада амалга оширилган ислохотлар, лойиҳаларнинг барчаси, авваламбор, бугун одамлар дуч келаётган ана шундай муаммо ҳамда камчиликларни бартараф қилишга қаратилган. Асосий мақсадлардан бири халқнинг газ ва бензинга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришдир. Жиз-

зах нефтни қайта ишлаш мажмуасининг 2020 йилда ишга туширилиши бензин, унинг сифати билан боғлиқ муаммоларга чек қўяди.

— Нефтьдан минг турдан зиёд маҳсулот олинади, — дейди Жиззах сано ва сertiфикатлаштириш маркази давлат корхонаси бўлим бошлиғи Абдор Аҳмедов. — Бензин, дизель ёнилғиси, керосин, автомобиль мойлари, битум, мазут, полиэтилен, синтетик тола, винилацетат, винилхлорид, бензол, фенол, ацетон, метилметакрилат, сульфат аммоний, пропилен, этилен, нефть смоласи ана шулар жумласидандир. Шунча миқдорда нефтни қайта ишлаш нафақат ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиради, балки хом ашёни чуқур қайта ишлаш йўли билан кимё саноатининг ўнлаб соҳаларини тараққий топтиришга катта имконият яратади.

Бугун иқтисодиётни нефть маҳсулотларисиз тасаввур этиш мушкул. Тўғри, айни пайтда жаҳон миқёсида мўқобил энергия манбаларини яратиш жараёни ҳам қизиб кечмоқда. Аммо ҳали-ҳануз "қора олтин"га талаб камайгани йўқ. Шундай экан, ушбу завод юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлиши, шубҳасиз.

2000 дан зиёд иш ўринлари яратилади

„Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси қурилаётган жойга етиб келганимизда, узоқдан учта улкан келганимизда, узоқдан учта улкан келганимизда, узоқдан учта улкан текис эи қолдирганга ҳаракатланаётганига қўшимиз тушди. Бу ишлар устидан тез орада улкан қувурлар тортилар экан.

лиятини йўлга қўйиш устида сажий-харажатлар олиб борилапти. Чет элларда ишлаётган юртдошларимиз бугун ана шундай мажмуаларда меҳнат қилиш учун қайтиб келишапти. Ахир оиласи бағрида, ўз юртида ишлаб пул топишга нима этсин?!

Дарҳақиқат, янги мажмуа фаолият бошлаши билан 2 мингдан зиёд иш ўринлари очилади. Бундай йирик корхоналарнинг қурилиши, иқтисодчилар тили билан айтганда, мультипликацион эффеки яратади. Яъни 14 мингдан ортиқ кишилар соҳага алоқадор ҳамда хизмат кўрсатиш тизимларида фаолият кўрсата бошлайди. Буларнинг ҳаммаси худуд аҳолисининг турмуш даражасини янада юксалтиради.

— Вилотимизда ҳар йили касб-хунар таълимининг 39 минг, олий ўқув юр்தларини 2 минг нафардан ортиқ йигит-қизлар битириб, меҳнат бозорига кириб келмоқда, — дейди Жиззах вилояти бандлик бош бошқармаси бошлиғи Жалил Мирзабеков. — Қолаверса, узоқ ва яқин мамлакатларда нефть ҳамда газ соҳасидаги йирик компанияларда муайян тажриба ва билимга эга жаззахлик мутахассислар фаолият юритишмоқдаки, улар ўз юртига қайтиб, тараққиётимизга муносиб ҳисса қўйиш ниятидalar. Лойиҳа долзарб ижтимоий масалаларни ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлашда улкан имкониятлар эшигини очди.

Умуман, Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари барқарор ишлаши, экспорт салоҳиятимиз юксалиши ҳамда худудларни исчилик ривожлантиришнинг лоқомотивларидан бирига айланиши айна ҳақиқат. Юртдошларимиз ушбу гигант лойиҳага катта умид билан қараётганининг боиси ҳам ана шунда.

А. АБДУСАТТОВ.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Хонқалиқлар азалдан ишбилармонлиги, тадбиркорлиги билан ном қозонган. Кейинги йилларда кичик бизнесга қаратилаётган эътибор, соҳа вакиллари яратиб берилаётган шарт-шароитлар уларнинг айна шу жабҳадаги қобилиятларини тўлиқ юзага чиқаришда қўл келмоқда.

ТОМОРҚАЧИЛИКДА «ХОНҚА ТАЖРИБАСИ»

Бу усул республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этилади.

Янги тизим иш берди

Бунда қўшимча даромад манбаи бўлган томорқа ерларидан унумли фойдаланишга жиддий эътибор қаратилгани муҳим омил бўлди. Яъни дастлаб 58 нафар фуқаронинг томорқа имкониятларидан келиб чиқиб, бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мадири қишлоғидаги "Хонқа дон агро экспорт" масъулияти чекланган жамиятига қарашли 11 гектар бог шу усулда кам таъминланган оилаларга бириктирилди.

Бундан ташқари, 17 та кам таъминланган оилага томорқасидан унумли фойдаланишлари учун уруғлик, минерал ўғит, кимёвий препаратлар етказиб

бериш, техника хизмати кўрсатишда ушбу агрофирма яқиндан ёрдам кўрсатди. Натижада шунча оила мўмай даромад манбаига эга бўлди.

Одамларнинг розилиги — бу энг катта натижа!

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича яратилган янги усул чорвачилик ва паррандачилик тармоқларида йўлга қўйилгани ички бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳам хизмат қилаётти. Масалан, "Қўшқўпир парранда" масъулияти чекланган жамияти томонидан жами уч мингта жўжа озуқа маҳсулотлари билан бирга, кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига 50 — 100 тадан тақсимлаб берилди ва парваришланган паррандаларни яна корхонанинг ўзи сотиб оладиган бўлди.

томонидан тузилган ишчи гуруҳ хулосаси ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ушбу гуруҳ аъзолари ўйма-ўй юриб, 44 та маҳалладаги 46 минг 650 та хонадоннинг иқтисодий аҳоли, бандлик масалаларини ўрганишганда, шундан 1003 таси кам таъминланган оила эканлиги маълум бўлди.

Табиий савол туғилади: бунга қандай қилиб эришилди?

Абдулхай" фермер ҳўжалиги эса 30 бош насли қорамолини тумандаги 10 та кам таъминланган оилага бириктириб қўйди. Ушбу оилалар қорамолни парвариш-лаб, кунлик соғилган сутнинг тенг ярмини иш ҳақи сифатида оладиган бўлди.

— 2016 йилнинг 9 ойи мобайнида ижтимоий қўллаб-қувватлаш комиссиясига моддий ёрдам сўраб 20 нафар фуқаро мурожаат қилган эди, — дейди "Дурвадик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Кўпалбой Нуруллаев. — Кам таъминланган оилаларда томорқадан самарали фойдаланиш борасида олиб борилган амалий ишлар натижасида жорий йилда ёрдам сўраб мурожаат қилувчилар сони 50 фоида камайди.

Мисли хазина

Эҳтиёжманд оилалар даромадини ошириш, бандлигини таъминлашга қаратилган пухта чора-тадбирлар натижасида кам таъминланган 437 та оила вакиллари 1047 нафари ишга жойлаштирилган, ушбу оилаларнинг иқтисодий аҳоли яхшиланди ва кам таъминланганлар сафидан

чиқарилди. Бунда ишчи гуруҳ томонидан одамлар орасида томорқа ерларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига кўпроқ даромад топиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш борасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам қўйилган.

Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қўниги манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони битмас-туганмас ҳазина манбаи бўлган томорқа имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида янги истиқболларни очиб берди.

— Сир эмас, илгари деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари уруғлик, минерал ўғит, ёнлиги-мойлаш материаллари, техника таъминотида айрим муаммоларга дуч келарди, — дейди Хонқа тумани фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Ҳамза Жуманнўзов. — Эндиликда бу борада ҳеч қандай қийинчилик бўлмайдиган. Чунки кенгаш қошида деҳқонларга комплекс хизмат кўрсатиш маркази фаолият кўрсатади.

Экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар ойда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб борилиши эса ер ҳақиқий эгасини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Деҳқон меҳнатига юксак баҳо

Бугун тумандаги хонадонларда ҳар қарич ердан унумли фойдаланиб, дур ундирилаётганига гувоҳ бўласиз. Томорқаларда турли сабзавот ва полиз экинлари етиштириш баробарида, чорвачилик, паррандачилик, асаларчиликни йўлга қўйиш, интенсив боғлар яратиш, енгил конструкторияли иссиқхоналар ташкил этишга одамларда интилиш кучайган.

Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида туманда томорқачилик жабҳасида эришилаётган ютуқларни алоҳида эътироф этиб, "Хонқа тажрибаси" деб атади. Ушбу усулни бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилиш чоралари кўрилаётганини таъкидлади.


Дарвоқе, туманда деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан агрофирмалар ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Яқинда бўлиб ўтган II Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида "Хонқа омад агрофирма", "Хонқа дон агроэкспорт", "Хонқа агро фрукте экспорт" масъулияти чекланган жамиятлари 2,5 миллион АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорти бўйича шартномалар имзоладилар. Бу хонқалиқлар томорқасида етиштирилган мева-сабзавотлар хориз бозорларидан ҳам муносиб жой эгаллайди, деганидир.

Одилбек ОДАМБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Дунё биржаларида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида "Brent" типидagi нефтнинг бир баррели 59,4 АҚШ доллари-дан баҳоланди.

Нархи кўтарилапти



Бу кейинги тўрт ҳафта ичида қайд этилган энг юқори кўрсаткичдир. Саудия Арабистони энергетика вазири Ар-Риёддаги халқаро форумда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо давлатларда "қора олтин" захираси сезиларли даражада камайганини билдирди. Мута-

Замонавий моделлар

Токиода бўлиб ўтаётган халқаро автомобиллар кўргазмасида ҳайдовчисиз бошқариладиган машиналар, узоқ масофани босиб ўта оладиган электромобиллар, машҳур русумларнинг янги моделлари намойиш қилинмоқда.

Масалан, маҳаллий "Toyota" компанияси 1955 йилдан бери ишлаб чиқараётган "Crown" русумидаги махсулотининг 15-авлодини тақдим этди. Уни яратишда ўзига ҳос дизайндан фойдаланилдики, корхона келажақда харидорлар ҳукмига ҳавола қиладиган автоуловларида айнан мазкур моделни андоза қилиб олмақчи. Унинг габарити аввалгиларига нисбатан катта. Хусусан, узунлиги 4,91, эни эса 1,8 метрга тенг.

«Якка сайёра»

Австралияда нашр этиладиган "Якка сайёра" ("Lonely Planet") номли журнал ўз талқини бўйича жаҳонда туризм имкониятлари кенг бўлган давлатлар номини эълон қилди.



Унда дастлабки учта ўринни Чили, Жанубий Корея ва Португалия эгаллаган. Шунингдек, Жибутти, Янги Зеландия, Маврикий, Мальта, Хитой, Грузия ва Жанубий Африка Республикаси ўнтаклики яқунлаб берган.

Рейтингни тузишда мамлакатлардаги ўзига хос аъёналар, аэропортларда сайёҳлар учун яратилган қулайликлар каби бир қанча жиҳатлар мезон қилиб олинди. "Якка сайёра" журна-ли 1972 йилдан буён чоп этилади. У, асосан, кам-харжли маълум қўрувчи туристларга тавсиялар беришга ихтисослаштирилган.

Лаборатория шароитида ўрганилади

Арктикада илм-фан учун номаълум мавжудот топилиди. Викториа ороли сувликларининг 63 метр чуқурлигида аниқланган жонзотнинг оёқлари саккизта, кўзи эса битта. Олимлар нобўз топилмага "Яссибошли махлук" деб ном қўйишди.

Енгил атлетикадан футболга

Тез югуриш бўйича жаҳон рекордчиси, саккиз карра Олимпиада чемпиони, ямайкалик Усвйн Болт энди омадини футболда синаб кўриши мумкин. Гап шундаки, у жорий йилнинг август ойда енгил атлетикадаги фаолиятини яқунлаб, профессионал футболчи сифатида ҳам мухлислар эътиборини қозониш исти-тагида эканини билдирган эди.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

КИЧИК БИЗНЕС

Тадбиркор шижоати

Наманган туманидаги "Golden egg of Namangan" масъулияти чекланган жамияти саноат усулидаги замонавий паррандачилик ҳўжалигини йўлга қўйган кичик бизнес субъекти ҳисобланади. Бу ерда айни пайтда 245 мингта парранда парваришланмоқда.

Тадбиркорлик жамоаси бундан беш йил аввал банк кредити ҳисобига хоризнинг иккита 70 минг ва битта 50 мингта товуқ боқишга мўлжалланган технологик линиясини сотиб олганидан кейин ишлари юришиб кетди. Истеъмол бозоридан муносиб ўрин эгаллаган корхона жорий йилдан экспорт амалиётлари билан ҳам шуғулланишга киришди.

— Ҳозир фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида 32 миллиард сўмлик лойиҳалар устида иш олиб бораёямиз, — дейди МЧЖ раҳбари Абдулҳафиз Шамсиддинов. — Унга қўра, яқин вақт ичида насли товуқлар боқишга мўлжалланган қўшимча иккита иншоот, шунингдек, хориздан келтириладиган замонавий инкубация ишга туширилади. Германия ва Голландия давлатларидан 60 мингта зотдор товуқ олиб келиб, ўзимизда кўпайтиришни йўлга қўямиз.

Кудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Вилоятнинг экспортчи корхонаси

Андижон туманидаги "Маматов грант инвест" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаганига бир йил бўлди. Утган қисқа даврда у вилоятнинг етакчи экспортчи корхоналаридан бирига айланди.

Жумладан, тадбиркорлик субъекти ҳозирги кунгача 790 минг АҚШ доллари қийматидаги 1 минг 500 тонна мева-сабзавотни кўшни давлатларга сотган бўлса, йил якунига қадар яна 100 тонна қайта ишланган қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини ташқи бозорга чиқариш тараддуиди.

— Заминимизда пишиб етилган ноз-неъматларнинг мазаси бетакрор, — дейди

корхона раҳбари Хуршидбек Маматов. — Куёш нурига тўйинган меваларимизга, айниқса, Россия ва қўшни мамлакатларда талаб юқори. Келгусида ҳамкорларимиз истак-хоҳишларини пухта ўрганган ҳолда, экспорт ҳажмини янада оширишни мақсад қилганмиз.

Умуман, жорий йилда андижонлик миршкорлар салкам 80 минг гектар ерда галла етиштирди. Бўшаган майдон-

Шартнома — лафз дегани

Халқимизда лафз улуг қадрият даражасига кўтарилган. Шу боис ваъда бериб, устидан чиқмаслик қораланган, бундай хатти-ҳаракатни қилган одам субутсиз, деб баҳоланган. Айни жиҳатдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, шартнома ҳам томонларнинг бир-бирларига ҳужжат кўринишида берадиган лафзидир.



СУД ҲИМОЯСИДА

Яқинда Сирдарё туманларо иқтисодий суди томонидан шартнома мажбурияти бажарилмаслиги билан боғлиқ иш — "Advanced trading partner" МЧЖнинг "Inter milk" МЧЖга нисбатан даъво аризаси кўриб чиқилди. Очик тарзда ўтказилган суд мажлисида маълум бўлишича, ушбу тадбиркорлик субъектлари ўртасида 2016 йил 10 февралда махсулот етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Аммо сут махсулоти учун олдиндан маблағ ўтказилган бўлишига қарамай, жавобгар шартномавий мажбуриятни лозим даражада бажармаган. Шу боис даъвогар 21 миллион сўмлик асосий қарз ҳамда 7 миллион сўм

пеня ундириш бўйича судга мурожаат этган. Суд мажлисида даъвогар вакили жавобгар томонидан шартномавий мажбуриятни бажариш мақсадида ҳеч қандай чора кўрилмаганиги сабабли талаби тўлиқ қаноатлантириб берилишини сўради. "Inter milk" МЧЖ раҳбари эса корхонанинг молиявий аҳоли оғирлиги, бу лавозимга янги тайинлангани тўғрисида ушбу сўровни қисман қаноатлантиришни илтимос қилди. Яқинда адолатли тўхтамга келинди — кўрсатилган миқдордаги маблағ ундириб берилди. Эътиборлики, суд мажлиси иккала томон учун ҳам яқин манзилларда ўтгани уларга қулайлик яратди. Албатта, бу давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси суд тизимини тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ҳўжалик судлари негизида иқтисодий судларнинг ташкил этилиши шарофатидир. Фармон ижроси доирасида вилоятимизда 4 та туманларо иқтисодий суди фаолияти йўлга қўйилди. — дейди Сирдарё вилояти иқтисодий суди раиси вазирафини бажарувчи А. Худойбердиев. — Уларнинг бевосита иқтисодий соҳа субъектларига яқин манзилларда жойлашуви таъминланди. Натижада энди тадбиркорлар аввалгидек узоқ йўл босиб, ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб вилоят марказига қатнамайди. Иқтисодий суд органларида даъво ариза ҳамда аризалар электрон тарзда қабул қилинаётгани ҳам мурожаат этувчиларга катта қулайлик яратмоқда. Шу тартиб даъвогар ёки жавобгар талабига қўра, суд қарорларини жўнатишда ҳам қўлланилапти. Айни чоғда суд жараёни видеоконференцалока тарзида ҳам ўтказилапти. Вилоят иқтисодий судидан маълум қилинишича, туманларо судлар ташкил этилган буён уларда жами 3125 та даъво аризаси кўрилиб, шун-

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Китобни дўст тутган қалб

Халқимизда: "Эзгулик эзгуликка йўл очади", "Яхшилиқнинг мукофоти фақат яхшилиқдир", деган ҳикматли сўзлар бор. Зеро, эл-юрт манфаатини ўйлаб, ўз хузу-ҳаловатидан кечадиган фидойи одамларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати бошқалар учун ибрат вазифасини ўтайди. Бундай кишилар чин кўнгилдан ўзгаларга кўмак беришни ҳаётий шioriга айлантирган бўлса-да, бу борадаги мақсадларини билдирмасдан, сездирмасдан бажаришни хуш кўришади. Бироқ яхшилиқ барибир яхшилиқ-да: унинг самараси тез кўзга ташланади, маҳалла-қўй, қўни-қўшни, жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинади.

ЭЗГУЛИК

Риштон туманида яшовчи Дилшод Болтабоев ҳам ўзгаларга яхшилиқ қилишдек эзгу ниятнинг этакидан тутган юртдошларимиздан биридир. У оддий оиладан чиққан, аёли, икки нафар фарзанди бор. Ота-онаси ўқитувчи бўлишган, айни пайтда нафақада. Ўзи эса тadbиркорлик билан шуғулланади. Аммо, гап шундаки, у айримлардан фарқли ўларок, топган-тутганини данғиллама иморат кўтариш ёки замонавий машиналар учун эмас, одамларга яхшилиқ қилишга, кўмакка муҳтожларга ёрдам беришга сарфлашни хуш кўради, шундан завқланади.

Куз-қиш мавсумида печка, қувур, ёзда эса, асосан, банка сотадиган бу йигитнинг даромади мактангулик эмас, бироқ минг сўм топса, ёнига ўн минг сўм қўшиб, хаста ётган би-

рор қўшниси ёки танишининг ҳола-авхolidан хабардор бўлишни ханда қилмайди. Маҳалласида бирор муаммо туғилса, шунини бартараф этишга кўмаклашиш учун шошади. Қисқаси, ҳар қанча гапирсак, ҳислатларини эътироф этсак арзийдиган шу йигит яқинда бир ташаббусга қўл урди.

Яъни Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрда имзоланган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинган, у анчадан бери ўйлаб юрган нияти — бозор ҳудудига бир кутубхона ташкил этиш ҳаракатига тушиб қолди. Бу ниятини ижтимоий тармоқлар орқали билди-

риб, бунинг учун унга босма китоблар юбориш мумкинлигини эълон қилди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигига 28 йил тўлган кунда Риштон шаҳри марказидаги деҳқон бозори ҳудудига 400 га яқин китобни жамлаган "Рошидоний" номидаги халқ кутубхонаси очилди. Катта китоб жавонини эса Дилшод ўз ҳисобидан ясаптирди.

— Давлатимиз раҳбари қаерда, қайси йиғилишда бўлмасин, албатта, китоб ҳақида гапиришларидан жуда таъсирландим, — дейди у. — Болалиқдан китоб ўқини яхши кўраман. Бир одамнинг қўлида китоб кўрсам, у билан танишим, дўстлашим келади. Президентимизнинг китобга бўлган юксак эътибори эса менга қанот бағишлади. Меҳр ва иштиёқ билан кутубхона ташкил этишга киришдик. Очиги, 15 — 20 кунда бунчалик кўп китоб йиғилади, деб ўйламагандик. Жавонимизга баъзи китоблар симга ҳам қолди. Таниқли ёзувчи ва шоирлар ўз асарларини юборишганида, айниқса, бошим осмонга етди. Китоб жўнатган маърифатпарвар юртдошларимизга раҳмат.

Янги иш бошлаган кутубхонанинг бошқаларидан фарқи шундаки, унга аъзо бўлиш шарт эмас. Бу ерда маърифий китоблардан тортиб, Алишер Навоий, Фёдор Достоевский, Александр Дюма, Чингиз Айтматов, Абдулла Қаҳҳор, Ўткир Хошимов, Абдулла Орипов асарларига ҳам мавжуд.

— Кутубхонадан фойдаланиш бепул, — дея сўзида давом этади Д. Болтабоев. — Истаган киши китобни олиб, ўқиши мумкин. Зиё масканимиз иш бошлаган куннинг ўзидаёқ бир неча киши келиб, китоблардан олиб кетди. Шу ерда ҳам ўқишяпти. Кундан-кунга сафи ортиб бораётган, айрим асарлар учун навбат ёздириб кетаётган одамларни кўриб, кайфиятим янада кўтарилади. Чунки мутолаага ошно бўлган киши ҳар доим эзгуликни ўйлайди. Яхши асар қобилиятни чарқлайди, зехни ўткир қилиб, нафсни тарбиялайди.

Ташаббускор йигит китоблар кўпайгач, у бир ишга қўл урмоқчи. Имконияти чекланган ёки кам таъминланган оилалар фарзандлари учун уйма-уй, қишлоқма-қишлоқ юриб, китоб тарқатишни дилига туккан.

Давлатимиз раҳбарининг қароридан "...ҳамият ҳаётида эзгу қадрият ва аъноларни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришга, она-Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқийё аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда", дея таъкидланган. Эзгу мақсад ва мўдадолар билан фаолияти йўлга қўйилган янги кутубхона ҳам ана шундай ўлғувчи ўзгаришларнинг ўзига хос ифодасидир.

Максуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт



Чемпионат ҳал қилувчи паллага кирди

Футбол бўйича Ўзбекистон олий лигасининг 26-тур учрашувлари давом этмоқда.

Жумладан, Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси ўз майдонида "Қўқон-1912" клуби билан куч синашди.



Меъзонлар устунлигида кечган баҳсда кўкониликлар ҳимоячиси Мурод Холмухамедов ўз дарвозасига гол киритиб, "темир йўлчилар"ни ҳисобда олдинга олиб чиқди. 42-дақиқада чемпионат тўпураги Марат Бикмаев орадаги фарқни иккитага оширди. Иккинчи бўлимнинг 62-дақиқасида эса Санжар Шоаҳмедовнинг сай-ҳаракати эвазига ҳисоб

янада йириклашди. Яқуний натижа — 3:0.

Ушбу галабадан кейин "Локомотив" очколари сони 60 тага етди. Клуб йўлчиларни ҳисобда олдинга олиб чиқди. 42-дақиқада чемпионат тўпураги Марат Бикмаев орадаги фарқни иккитага оширди. Иккинчи бўлимнинг 62-дақиқасида эса Санжар Шоаҳмедовнинг сай-ҳаракати эвазига ҳисоб

(Олмалик) 3:2, "Пахтакор" (Тошкент) — "Бунёдкор" (Тошкент) 1:0, "Навбахор" (Наманган) — "Бухоро" (Бухоро) 1:0, "Машъал" (Қарши) 1:2, "Нефтчи" (Фарғона) — "Қизилқум" (Навоий) 2:0.

Турнинг сўнгги учрашуви бугун "Шўртан" (Ғузор) — "Сўғдиёна" (Жиззах) жамоалари ўртасида ўтказилади.

Муҳим мусобақага тайёргарлик

Александр Мочинов бош мураббийлигидаги футбол бўйича 19 ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионатининг саралаш босқичига сўнгги тайёргарлик йиғинини пойтахтимизда олиб борапти.

Ўқув машғулоти давомида БАА ёшлар терма жамоаси билан "Бунёдкор" стадионида иккита ўртоқлик ўйини ўтказилди. Дастлабки қарама-қаршиликда кичик ҳисобда қозонган футболчиларимиз кейинги беллашувада 4:1 ҳисобида зафар кучди. Дилшод

Савидов, Жаҳонжон Абдусаломов, Шоҳруҳ Абдурахмонов ва Жасур Эрматовнинг голлариға Аҳмад Фавзи битта гол билан жавоб қайтарди. Кўта чемпионати саралаш беллашувлари жорий йилнинг 30 октябрь — 8 ноябрь кунлари Тожикистонда бўлиб ўтади.

Ёш иқтидорлар сараланди

Тошкентда Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан уюштирилган болалар фестивалининг бешинчи босқич учрашувлари бўлиб ўтди. Унда 8 — 14 ёшдаги элликка яқин ёш шахматчилар ўз имкониятини синаб кўрди.



Мусобақанинг 8 ёшгача қизлар баҳсида Афрузабону Рўзиматова етти имкониятдан етти очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. Муина Рашидова иккинчи, Ҳабиба Абдумўминова учинчи поғонани банд этди. Ўғил болалар ўртасида Алишер Умрзоқов олтин, Умаржон Баҳодиров кумуш ва Шоҳруҳ

Тўйчиев бронза медаль билан тақдирланди. Ўн ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида Комила Асомидинова, Сабина Йўлдошева, Музаффар Тожибоев, Мираброр Мирпўлатов, Мирмаҳмуд Илёсов голиб ҳамда совриндорлар қаторидан жой олди.

12 ва 14 ёшли иштирокчилар беллашувларида Соҳибжон Эломуродов, Асадбек Абобкулов, Аброрбек Абдуҷабборов, Довуд Сулаймонов, Элбек Сулаймонов ва Ҳожиакбар Одилов муваффақиятга эришди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
тайёрлади.

АНЖУМАН

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетиде "Инновация — 2017" аънавий халқаро илмий-амалий анжумани иш бошлади.

Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси барқарор ривожланишнинг муҳим шартидир

Стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш маркази, Тошкент давлат техника университети, Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда бошқа қатор ташкилотлар томонидан уюштирилган тадбирда таълим, илм-фан соҳаси, sanoat тармоқлари вакиллари, тadbиркорлар, ёшлар, шунингдек, Германия, Япония, Норвегия, Россия, Беларусь, Украина, Қозғистон, Қирғизистон давлатларидан олимлар иштирок этмоқда.

Анжуманинг очилишида сўзга чиққанлар инновациялар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятни кучайтириш, янги sanoat ва молиявий технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш ҳамда унинг рақобатдошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутганини таъкидладилар.

— Инновациялар давлатларнинг энг муҳим стратегик ресурсларидандир, — дейди Токио университети профессори Акира Уеда. — Шунга мувофиқ, Ўзбекистон иқтисодий тармоқларида юксак технологиялар самарали қўлланилаётгани, тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилаётгани эътиборга лойиқ. Ушбу анжуман Узаро фикр ва таҳриба алмашиш учун қўлай имконият яратди. Биз, Япония вакиллари "Орол инкиррозининг флора ва фаунага салбий таъсири" мавзусида маърузалар қилдик.

Стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш маркази директори, профессор О. Қодировнинг айтишича, Ўзбекистонда инновацион тараққиёт йўлига ўтиш учун барча зарур шароит мавжуд. Мамлакатимиз бой интеллектуал, sanoat ва ресурс салоҳиятига эга. Бундан ташқари, ноёб фундаментал ҳамда амалий тадқиқотлар, жумладан, инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган академик ва олий ўқув юртлири, илм-фаннинг ривожланган тармоғи мавжуд.

Мазкур халқаро илмий-амалий анжуман олимлар, sanoat вакиллари, тadbиркорлар ўртасидаги интеграцион янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан долзарбдир.

"Инновация — 2017" конференцияси ёшлар ва таълим масалалари, иқтисодий тармоқларида инновацион жараёнлар, табиий, минерал хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал этишнинг усуллари, тоғ-кон иши ҳамда металлургия, технология жараёнлар ва объектларини бошқаришнинг автоматик ҳамда автоматлаштирилган тизимлари каби саккиз йўналишни қамраб олган.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оролбўйи қадриятлари тараннуми

И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида "Орол баликларидан 99 турдаги таом" гастрономик, "Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши" мавзусида халқаро экология, атоқли шоирлар — Бердақ ва Ажиниёз ижодига бағишланган халқаро фестивалларнинг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ФЕСТИВАЛЬ

Президентимизнинг 2017 йил 28 февралдаги "2017 — 2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган ушбу фестивалларга тайёргарлик жараини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир

иқлими, ҳайвонот дунёси, фаунаси, аҳолисининг урф-одатлари ҳамда аънолар тарғиб қилинди. Шунингдек, Бердақ ва Ажиниёзнинг ҳаёти ҳамда ижоди кенг ўрганилди. "Орол таомлари" фестивали олдида ёш ошпазлар иштирокида бир қатор танловлар ўтказилди. Тадбир доирасида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида Қашқадарь вилояти мусиқали драма театрининг "Орол бобо" спектакли намойиш этилди.

Мавлуда АСҚАРҲЎЖАЕВА.

ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- **Биокимё кафедраси:** кафедра мудири.
- **Гидрология ва гидрогеология кафедраси:** кафедра мудири, катта ўқитувчи.
- **Минтақавий иқтисодий кафедраси:** кафедра мудири.
- **Макроиқтисодий кафедраси:** кафедра мудири.
- **Умумий ва ноорганик кимё кафедраси:** кафедра мудири.
- **Физикавий кимё кафедраси:** кафедра мудири.
- **Этика-эстетика кафедраси:** кафедра мудири.
- **Математик анализ кафедраси:** кафедра мудири.
- **Амалий математика ва компьютер таҳлили кафедраси:** кафедра мудири.
- **Назарий физика кафедраси:** кафедра мудири.
- **География кафедраси:** катта ўқитувчи.
- **Рақамли ОАВ кафедраси:** катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- **Қиёсий тилшунослик кафедраси:** кафедра мудири.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- ишловчининг шахсий варақаси;
- маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда);
- малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган сандан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, УМУ Ходимлар бўлими. Телефон: (0-371) 227-15-50.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

"Халқ сўзи" газетасининг 2017 йил 19 январдаги 14 (6708) -сониде чоп этилиб, очик аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент вилояти фавкулда вазиатлар бошқармаси балансидаги куйидаги автомобилотранспорт воситалари ушбу ташкилотнинг 2017 йил 25 октябрдаги 1/11-2213-сонли хатига асосан аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади:

Т/р	Русуми	Давлат рақами
1.	«УАЗ-31512»	01/286 ОАА
2.	«УАЗ-31512»	11 АЕ 740
3.	«ГАЗ-270500»	10/526 УАА
4.	«ГАЗ-66»	рақамсиз
5.	«ГАЗ-2410»	10/522 САА
6.	«ГАЗ-311000»	01/093 ТВА
7.	Бульдозер «Т-170»	рақамсиз
8.	Трейлер «2 ПП-40»	рақамсиз
9.	«ГАЗ-5312» («Кубань»)	11 АХ 379
10.	Трактор «Т-16»	рақамсиз

Гувоҳнома № 005357.

Маданий меросимиз жаҳон нигоҳида

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Ўзбек маданий мероси жаҳон нигоҳида" мавзусида фестиваль бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур анжуман устау хунармандлар, санъатшунослар, фольклоршунос олимларни бир жойга жамлади.

ТАДБИР

Фестивалда уста ва хунармандлар, жумладан, ёғоч ўймаkori Жавоҳир Рашидов, миллий либослар устаси, бойсунлик Хадича Раҳимбердиева, қўғирчоқ устаси Мансур Куръзов ҳамда бошқалар ижодига оид кўрғазма ташкил этилди.

Тадбирда миллий хунармандчиликнинг долзарб масалалари, Наврўз байрами, Бойсун маданий мероси, "Шашмақом"нинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, аския санъати каби мавзуларда маърузалар қилинди.

Аброр МЕЛИБОВ.

Доимо онлайн боғча

Бухоро шаҳридаги "Растишка Алан" нодавлат мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари сони тўққиз ой ичида салкам икки баравар кўпайди. Бу болажонлар ва уларнинг ота-оналари учун ушбу масканда яратилган қўлайликлар билан боғлиқ.

ЯНГИЛИК

Муассасада онлайн тарзда ишловчи видеокузатув мосмаси ўрнатилган. Ота-оналар уй ёки ишоналаридан туриб, фарзандларининг кун давомида қандай ишлар билан машғуллигини интернет орқали кўриб бориш имконига эгалар. Кичкинтойларни турли тўғарақларга жалб этиш, шифокор кўригидан ўтказиш, хоржий тилларни ўргатиш, уларни мактабга тайёрлаш — буларнинг барчаси тарбиячилар зиммасида. Айни дамда виллоятда 196 нафар болани қамраб олган иккита ана шундай нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1045. 76 181 нусхадe босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибнат (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРИЯТ келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Режаме материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида тартиб ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сафотан чоп этилишига "Шарқ" ишприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаххач — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА Якуни — 23.45 Топширилди — 00.25 1 3 4 5 6